



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 217 (12.278)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ САНОАТИ НАМОЙИШИ

Туризм соҳаси дунёнинг бошқа мамлакатлари сингари Ўзбекистон иқтисодиди учун ҳам муҳим соҳа ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 865 нафар туристик ташкилот, 359 меҳмонхона, кўлаб турбазалар ва кемпинг жамоа, 506 туроператорлар фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон 1993 йил Бутунжаҳон туристик ташкилотига аъзо бўлганидан бошлаб «Ипак йўли туризми» трансконтинентал лойиҳасида фаол иштирок этмоқда.

«Буюк Ипак йўли» трансконтинентал лойиҳаси доирасида 1994 йилдан бошлаб ҳар йили Тошкент шаҳрида «Ипак йўли туризми» деб номланган Тошкент Халқаро туризм ярмаркаси ўтказилмоқда.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган бу йилги сайёҳлик анжуманида иштирок этиш учун 700 дан ортиқ компаниялар таклиф этилган. Шундан 145 нафар хорижий компания 40 дан ортиқ мамлакатлардан ташриф буюрдилар. Шундан 70 нафар ўзларининг эксклюзив стендлари билан, 75 хорижий компания «Мега-инфо-

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомаказ» миллий кўргазма мажмуасида «Ипак йўли туризми» 18-Тошкент Халқаро туристик ярмаркаси очилди.

тур» лойиҳаси доирасида иштирок этмоқда. 70 дан ортиқ Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар журналистлари кўргазма доирасида ўтказилаётган тадбирларни ёртиб боришди.

Ушбу «Ипак йўли туризми» ярмаркасини айланар эканмиз, сайёҳлик – барқарор тараққиётнинг муҳим омилларидан бири, яъни у аҳоли ҳаёт даражасининг юксалишига, кўшимча иш ўринлари яратилишига, халқаро муносабатларнинг мустаҳкамланишига кўмаклашишига яна бир бор амин бўлдик. Шу ўринда айтиш жоизки ярмаркада ички ва ташқи туризмга алоҳида эътибор берилиб, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат» деб номланган миллий павильон мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини намоийш этади. Мазкур павильон эксклюзив стендлар орқали ту-

ризм тармоғини ривожланишига хисса қўшаётган ташкилотлар фаолиятини кўрсатмоқда. Экспозиция ўзиде туризм минтақалари туристик ташкилотлар фаолияти, ўқув, соғломлаштириш масканлари, театр ва музейлар, туристик компаниялар, минтақавий бўлимлар ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси саёҳат ва экскурсиялар бюрolari ҳақидаги маълумотларни мужассамлантирган. Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақаси ўз брендини ўзига хос анъанавийлик ва бетакорлик билан намоийш этиб, ташриф буюрувчилар эътиборини тортмоқда. Туташ ҳудудларда «Миллий ошхона фестивали», «Хунармандлар шаҳри», «Шарқ бозори» каби бир-биридан қизиқарли экспозициялар ташкил этилган.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ижрочи директори, БМТ Бош котибининг ўринбосари Бабатунде Осотимейн 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова билан учрашди.

БМТ БОШ КОТИБИ ЎРИНБОСАРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг касб, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўлаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада дастуруламал бўлиб хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг икки юздан ортиқ ҳудудий бўлиними, 42 мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин-

лаш, билим ва савиясини юксалтириш, тадбиркорликка оид ташаббусларини кўлаб-қувватлаш, иқтидорли қизларни аниқлаш каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Кўмита томонидан ўтказилаётган турли ижтимоий акциялар, спорт фестиваллари, кўрик-танловлар хотин-қизларнинг Ватан, жамият, оила олдидаги масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси билан ҳамкорликда аёллар ўртасида спортни оммалаштириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш мақсадида турли спорт мусобақалари мунтазам ўтказилаётди.

(Давоми 2-бетда)

балар» мавзуда навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада шахримизнинг ўрта-маҳсус таълим даргоҳларидаги ўқувчилар учун ТДЮИ талабалари «Оила

ва ҳуқуқ» мавзуда семинар-тренинг ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза тумани «Тенгдош» маданият уйида бадиий ҳаваскорлар жамоалари ўртасида кўрик-танлов ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонасида жорий йил 12-14 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзудаги халқаро конференция яқунларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Британия ва Норвегия ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва ишбилармон доиралари ҳамда Британия – Ўзбекистон жамиятининг вакиллари иштирок этдилар.

ТОШКЕНТ АНЖУМАНИНИНГ ЯҚУНЛАРИ ЛОНДОНДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мазкур анжуманининг мазкур мақсади сўзлаган нутқи билан атрафлича танишдилар.

Тадбир чоғида дунёнинг 50 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этган Тошкент анжуманини ўтказишдан кўзланган мақсад мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш борасида эришилган муваффақиятларни намоийш этиш ҳамда бошқа давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш билан изоҳланиши алоҳида таъкидланди. Давра суҳбатида иқтисодий тараққиётнинг «ўзбек модели»ни ҳаётга татбиқ этиш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг асосий босқичлари ҳамда таъминоти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўлаб-қувватлаш юзасидан олиб борилаётган давлат сиёсати билан боғлиқ маълумотларга алоҳида урғу берилди. Шунингдек, Ўзбекистонда бўлиб ўтган оқилона сиёсат Халқаро валюта жамғармаси, Осий тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар томонидан

ҳақли равишда эътироф этилгани ҳам қайд қилинди. Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканлиги давра суҳбати қатнашчилари томонидан юқори баҳоланди.

Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Британия кенгашининг ҳамраиси Питер Лилли Тошкент анжумани халқаро миқёсдаги воқеа бўлганини, шунингдек, унда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни диққат билан ўрганиш лозимлигини қайд этди. «Кичик бизнес ҳар қандай давлат тараққиётини муҳим ўрин тутди. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Британия кенгашининг вазифаларидан бири бу соҳа вакиллари билан бозорларига чиқишларига кўмак кўрсатишдир. Мамлакатларимизнинг улкан салоҳияти самарали ҳамкорлик олиб боришга, жумладан, инновациялар ва ахборот технологиялари сингари соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун катта имконият беради. Шу боис, биз кичик бизнес вакиллари кўлаб-қувватлаш бўйича қўлимиздан келган барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тайёрмиз», деди П.Лилли.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи эркинлиги ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари оид брифинг ташкил этилди. Унда депутатлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ижроси юзасидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов мамлакатимизда демократик сайлов тизimini шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида самарали ҳуқуқий-амалий механизмлар яратилганини таъкидлади. Янги қонун лойиҳаси бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Биохилма-хилликни сақлаш миллий стратегияси ва ҳаракат режаси ҳамда 2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастурида белгиланган вазифалар ижросига оид парламент эшитуви ўтказилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, тегишли вазирлик ва жамоат тузилмалари вакиллари, олимлар ва журналистлар иштирок этди.

• Термиз туманида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган «Янгиобод» маҳалласида «Сурхондарёдонмахсулотлари» ҳиссадорлик жамияти томонидан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технология линия ишга туширилди. Қиймати 216 миллион сўмлик мазкур лойиҳа амалга оширилиши билан бу ерда Германия технологияси асосида ойига 50 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш имкони яратилди. Жорий йилда туманда умумий қиймати 5,1 миллиард сўмга тенг бўлган 14 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Шунинг 6 таси озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

• Кўқон шаҳрининг 2010-2012 йилларга мўлжалланган саноат салоҳиятини ривожлантириш ҳамда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш ҳудудий дастурига мувофиқ, шу йилнинг ўтган даврида 27 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Бу мақсадлар учун 121 миллиард сўмликдан зиёд инвестиция ўзлаштирилди. Хусусан, «Эффе́ктив ой» корхонасида 205 миллион сўмлик маблағ эвазига мева данагидан тиббиётда кенг қўлланиладиган ёғ олиш технологияси ишга туширилди. Набтижада бу ерда йилга 1,5 минг тонна ноёб дори воситаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ЖАҲОНДА

• Америка Қўшма Штатларида кузатилаётган «Сэнди» тўфони йриқ талафотларга сабаб бўлмоқда. Куни кеча табиий офат яна 42 кишининг ҳаётига зомин бўлди, дея хабар тарқатди «Франс-пресс» ахборот агентлиги. Жиддий зарар кўрган ҳудудлар рўйхатиغا Коннектикут, Мэриленд, Нью-Йорк, Нью-Жерси, Шимолий Каролина, Пенсильвания, Виржиния ва Ғарбий Виржиния штатлари киритилди. Бундан ташқари, Торонта (Канада)да ҳам бир аёл тўфон қурбонига айланган. Ҳозирги пайтгача «Сэнди» жами 110 кишини ҳаётдан олиб кетган. Бу ракам янада ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш ҳамда кўтқарув ишларини жадаллаштириш чоралари кўрилкоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, тўфон АҚШ иқтисодий-тига 20 миллиард доллар миқдориде зиён етказган.

• «Сингапур Эйрлайнс» авиакомпанияси фаолиятини кенгайтирмоқда. Гап шундаки, у «Виржин» (Австралия) авиакомпанияси филиалининг акцияларини 108 миллион АҚШ долларига сотиб олди. Бугунги кунда Сингапурдаги авиаташувчилар ўртасида қучли рақобат мавжуд. Масалан, Австралиянинг яна бир компанияси — «Qantas» ушбу бозорнинг етакчиси ҳисобланади. «Сингапур Эйрлайнс» фаолиятини ривожлантириш орқали айнан ана шу мавқени эгалламоқчи.

• Швейцариядаги йирик «UBS» банки учинчи чорак яқунлари бўйича 217 миллиард франк (2,3 миллиард АҚШ доллари) миқдориде зарар кўрди. Бу ҳақда ташкилотнинг молиявий ҳисоботида қайд этилган. Банк маъмурияти вазиятни ўнглаш мақсадида келгуси уч йил ичида ўн мингга яқин иш ўринларини қисқартиришни маълум қилди. Шу орқали 5,4 миллиард франк тежаб қолиш кўзда тутилган. Экспертлар молия муассасасининг бундай ҳолатга тушиши жаҳон иқтисодийотидаги бекарорлик билан боғлиқ, дея баҳолашмоқда.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий матбуот маркази ҳамда Миллий университет ҳамкорлигида «Замонавий етук кадрлар тайёрлаш: амалиёт ва янги тажри-



ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ САНОАТИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда сайёҳлик салоҳиятидан юқори даражада фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи доирасида ташкил этилган мазкур анжуман кутилган натижаларни бериши шубҳасиз. Ярмаркадаги халқаро павильонда Хиндистон, Индонезия, Бирлашган Араб Амириги, Россия, Туркменистон, Туркия, Чехия ва бошқа туристик ташкилотлари чиройли жиҳозланган стендлари билан иштирок этмоқда.

«Zeb ichra ziynat» хусусий корхонамиз билан ярмаркада учинчи мартаба иштирок этишимиз. Ун иккитадан ортқ — ёғоч ўймакор, наққош, миниаторча, кўйирчоқ ясовчи, каштачи уста-хунармандларимиз қатнашмоқда, — дейди ушбу корхона директор ўринбосари Носиржон Ҳошимов. — Бундай кўргазмалардан кўзланган мақсад хунармандларимиз томонидан яратилаётган маҳсулотларни халққа кўрсатиш, тарғибот қилиш, туристларни жалб этишдан иборатдир. Tashkent Plazaда жойлашган корхонамизда сайёҳлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Чет элдан келган меҳмонларимизга уста-хунармандларимизнинг ишларини кўрсатиб, йўқолиб кетган аъёнларимизни тиклаш йўлида фаолият юритмоқдамиз. Уста-шоғирд мактабларимиз бор. Миллий аъёнларимизни йўқолиб кет-

маслиги учун ёшларимизга ўргатиб келинмоқда.

— Бундай нуфузли кўргазмада илк мартаба иштирок этишимиз, — дейди «UZGERSOV» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси маркетинг бўлими бошлиғи Шерзод Саломатов. — Корхонамизда Европа технологиялари асосида меҳмонхона учун мўлжалланган совунар ишлаб чиқарамиз. Ушбу ярмарка орқали меҳмонхоналар билан шартномалар имзолашга муваффақ бўлдик. Келажикда янги-янги турли хил совунар ва шампуна маҳсулотларимизни Ўзбекистонимизга етказиб бериш ҳамда чет мамлакатларга экспорт қилишни режалаштирганмиз.

— «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «Ўзтемирйўлўловчи» ОАЖ мунтазам халқаро туристик ярмаркасида иштирок этиб келади, — дейди туризм бўйича бош мутахассис Улугбек Қодиров. — Фақатгина маҳаллий туристик ярмаркаларда бўлибгина қолмай, халқаро ярмаркаларда ҳам «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан ҳамкорликда иштирок этиб келяпмиз. Асосий мақсадимиз Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини дунёга танитиш, шу билан бирга темир йўлда пассажир йўловчиларни кўпайтириш ниятида ишлар олиб борилмоқда. Республикадаги 30дан ортқ темир йўл вокзалларида таъмир-

лаш ишлари олиб борилди. Бу вокзалларда йўловчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида кўпгина хизматлар ташкиллаштирилган. Хусусан, дам олиш, VIP, болалар учун хоналар, бундан ташқари туристлар учун инглиз тилида хариталар, кўрсатмалар ишлаб чиқарилган. Туризмни ривожлантириш бўйича дастурга кўра Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларида туристик комплекс яратилган. Бу йўловчиларни ташвиш учун қўшимча автобус, микроавтобуслар, меҳмонхоналар ва яна бошқа хизматлар ташкил этилган.

Туристик ярмарка йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Чет элдан ташриф буюрган иштирокчилар ўтган йилгига нисбатан фаол. Ярмаркада иштирокчилар ҳам, ташриф буюрувчилар ҳам кўп. Темир йўл туризмни ривожлантиришга бўлган қизиқишлари ортган.

Ярмарка доирасида аъёнаний тарзда ўтказиб келинаётган бизнес учрашувлар, турли янги туристик йўналишлар тақдироти, мастер класс, семинар тренинглари, турли тақдиротлар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари ярмаркада соҳа вакиллари янги тур маҳсулотни тарғиб қилиш билан бирга ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга фикр алмашиш, долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, янги туристик бозорларни тарғибот қилиш, соҳа вакиллари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имконини беради.

Зиёда РАСУЛОВА
Козим Улмасов олган суратлар

БМТ БОШ КОТИБИ ЎРИНБОСАРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бабатунде Осотимейн мамлакатимизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шароитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Учрашувда БМТ Аҳолишунослик жамғармаси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш борасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини такомиллаштириш, бу йўналишда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ижрочи директори, БМТ Бош котибининг ўринбосари Бабатунде Осотимейн Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Адхам Икромов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу кун Бабатунде Осотимейн Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш марказида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокара ўтказди. Ўз фаолиятини 2004 йилда бошлаган мазкур марказ хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш, касбий, ижодий ва маънавий салоҳиятини ошириш ишлари билан шуғулланади. Бугунги кунда мазкур марказ ЮНФПА билан қатор қўшма лойиҳалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бабатунде Осотимейн пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси билан танишди. Ушбу замонаний спорт саройида ўғил-қизларнинг спорт турлари билан шуғулланиши ва мусобақалар ўтказиш учун яратилган шарт-шароитлар меҳмонда катта таассурот уйғотди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

ТОШКЕНТ АНЖУМАНИНИНГ ЯКУНЛАРИ ЛОНДОНДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Pathfinder Trade and Invest» компаниясининг бош ижрочи директори Майкл Томас Тошкент анжуманида иштирок этишга таклиф қилингани учун миннатдорчилик билдирар экан, мазкур тадбир чоғида Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари фаолияти, мамлакатимизнинг таълим муассасалари ва ўлкамиз заминидagi тарихий обидалар билан танишиш имкониятига эга бўлганидан мамнун эканлигини таъкидлади.

«Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатингиз иқтисодий тараққиёти, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожига тўғрисидаги мазмунли нутқи менда катта таассурот қолдирди», деди британиялик ишбилармон.

«Financial Services for Eastern Europe» компаниясининг бошқарувчи директори Людмила Шереметьева таъкидлаганидек, халқаро конференция унинг иштирокчиларига Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққиёти ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиш, мустақиллик йиллари давомида кичик бизнес, таълим ва маданият соҳаларида эришилган муваффақиятларни ўз қўллари билан кўришлари учун жуда қулай имконият яратди.

«Ҳар қандай мамлакат сармояларни жалб қилиш учун ўз тараққиётининг муваффақиятли тарихини намойн қила олмоғи лозим. Ўзбекистонда бўлганимиз чоғида биз давлатингиз қандай бой тарихга эга эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Юртингиздаги мавжуд имкониятлар, қулай сармоявий ва ишбилармонлик муҳити ҳақидаги маълумотларни бутун дунёга ёйиш ҳамда Британия ва Европа компанияларини Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка жалб этиш учун қўлимиздан келган барча саъй-ҳаракатларни амалга оширмоғимиз лозим, деб ўйлайман», деди Л.Шереметьева.

Норвегиянинг «International Development Norway» компанияси президенти Андерс Столан қисқа муддат мобайнида ўз компанияси ва Ўзбекистонлик шериклар ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида салмоқли ютуқларга эришилганини маълум қилди. Хусусан, у «Ўзоғирнефгазкимёлойиҳа» институти билан имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. А.Столаннинг фикр билдиришича, кўш энергетикаси соҳасидаги қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича қўшма лойиҳа мазкур ҳужжатни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги биринчи қадам бўлади. Норвегиялик ишбилармон Тошкентда Юқори технологиялар марказини яратиш лойиҳаси доирасида икки томонлама илмий-технавий ҳамкорлик учун улкан истиқболлар мавжуд эканлигини ҳам қайд этди.

«Tethys Petroleum — Uzbekistan» компаниясининг вице-президенти Тамара Лахкёрст мазкур компания вакиллари билан Ўзбекистонга уюштирган сафари мамлакатларимиз ўртасида кичик бизнес соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини ўрганиш жиҳатидан жуда фойдали бўлганини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, ҳозирги пайтда Ўзбекистон жадал ривожланиб бормоқда, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар эса ўз маҳсулини бераётди. Т.Лахкёрст ўзи фаолият юритаётган компания ва унинг ўзбекистонлик шериклари ўртасидаги алоқалар янада кенгайишига ишончи комил эканлигини айтди.

Британиядаги Шаҳодатли ҳисобчилар институтининг бош ижрочи директори Гарри Картер Ўзбекистон кичик бизнес субъектлари учун солиқ юқини камайтириш борасида катта муваффақиятларга эришгани, бу эса хатто Европанинг ривожланган мамлакатларида ҳам ҳар доим кузатилаётганини алоҳида таъкидлади. Г.Картер Шаҳодатли ҳисобчилар институтининг Ўзбекистонда ҳисобчилик жабҳасининг халқаро талаблар даражасида ривожланиши учун мамлакатимизга қўмақлашишга қаратилган узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни кенгайтиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Давра суҳбати кичик бизнес соҳасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболлари тўғрисидаги баҳс-мунозараларга бой бўлди. Тошкент халқаро анжуманининг британиялик иштирокчилари билдирган фикрларга кўра, Британия делегациясининг конференциядаги иштироки ва унда эришилган қилинган мазкур мамлакат ишбилармонларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Бўлиб ўтган тадбир доирасида «Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиёти» номи фильми ҳам унинг қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинди.

«Жаҳон» АА
Лондон

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу қонун лойиҳаси депутатлар, олимлар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик, миллий ва хорижий экспертлар иштирокида қизгин муҳокама қилинмоқда. Бу тадбирларда уч юзга яқин амалий таклифлар билдирилди. Шунингдек, қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайтларига жойлаштирилди. Ҳозиргача тўрт минг нафарга яқин юрtdошларимиз мазкур лойиҳа билан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Буларнинг барчаси қонун лойиҳасини такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Брифингда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, янги қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳа вакиллари ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш кафолатларини янада кучайтирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Судьяларнинг ва суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини яхшилашнинг долзарб масалалари» мавзусида ташкил этилган илмий-амалий конференция мазкур фармон ижросини изчил таъминлашга доир масалаларга бағишланди. Олий суд ҳузурдаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда депутатлар, судьялар, олимлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура ва Адлия вазирлигининг масъул ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев, Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б.Миробоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимининг

босқичма-босқич демократлаштирилаётгани самарасида мамлакатимизда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланаётганини таъкидлади.

дан бошлаб Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судлари судьяларининг ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари қайта кўриб чи-

Фармон ва ижро ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ВА МАСЪУЛИЯТ

Бу жараёнда суд органларининг давлат бошқарувидаги ролини янада ошириш, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган фармони шу мақсадда қабул қилинган бўлиб, ҳужжатга кўра судьялар ва суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазаси борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, 2012 йил 1 август-

қилди. Мазкур судлар судьялари ҳамда мансаб даражасига эга ходимларининг алоҳида меҳнат шартлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдори қайтадан тасдиқланди.

Президентимиз фармонида белгиланган яна бир муҳим аниқлик шундан иборатки, Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларининг судьялари хизмат вазибаларини бажа-

ришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан бўлинмаган солиқ тўловидан озод қилинди.

— Президентимиз томонидан белгилаб берилган бундай имкониятлар соҳа ривожига қаратилган юксак эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир, — дейди ЎЗА мухбирига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани суди раиси Ёқутхон Ҳайдарова. — Бундай ғамхўрлик судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти учун зарур шарт яратиши билан бирга зиммамизга жуда юксак масъулият юклайди. Буни амалда таъминлаш борасида барча билим ва салоҳиятимиз, куч ва имкониятларимизни сарфлаб, фидойилик билан хизмат қилишимиз даркор.

Конференцияда фармон ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан бирга судьяларнинг ижтимоий таъминотига оид ислохотлар ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтиришнинг муҳим жиҳатлари, судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминотини янада такомиллаштириш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Н.АБДУРАИМОВА

Аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етуқ ёшларни тарбиялашдаги бекиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол гоёлари ва маданий-маънавий кадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг қўламли ислохотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокчини рағбатлантириш мақсадида, 1999 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига кўра, ҳар йили ўқув юрtdардаги намунали хулқи, аъло баҳолари билан таҳсил олаётган иқтидорли, шеърят, санъат ва адабиётга илосманд, зукко қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланб келмоқдалар.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти талабгорлар ўзининг ватанпарварлиги, сиёсий-ижтимоий ва маънавий етуқлиги, Ватанимиз тарихи ва



ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

жаҳон маданияти меросини яхши эгаллаганлиги билан ажралиб туради.

Миробод туманида жойлашган таълим муассасаларида ҳам ҳар йили иқтидорли қизлар ўртасида ушбу кўрик-танлов ўтказилади. Ҳар бир таълим муассасасининг 14 ёшдан 22

ёшгача бўлган иқтидорли қизлари танланиб олиниб туман босқичи ўтказилади. Кунча Миробод туманида жойлашган Темирйўлчилар касб-хунар коллежида танлов бўлиб ўтди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти кўрик-танловига 16 нафар қизлар 5та йўналиш фан, таълим, адабиёт, санъ-

ат ва маданият йўналишлари бўйича иштирок этдилар. Қизлар ўзларининг ижод ишларининг кўргазмасини ҳам ташкил этишди. Кўрик-танлов сўнггида қизларимиз фаол иштирокчилари учун фахрий ёрликлар ва совғалар билан тақдирландилар ва голиблар шаҳар босқичига йўланма олдилар.

Севара ТУЛЯГАНОВА
Миробод туман ҳокимлиги
Маънавий тарғибот маркази
раҳбари



«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компаниясининг «Локомотив» жисмоний-тарбия ва спорт клубида бугунги кунда кўплаб ўсмир-ёшлар мунтазам шуғулланиб келмоқда. Клуб ҳузурида фаолият кўрсатаётган бокс бўйича Олимпиада захиралари мактабига ҳам талайгина ёш спортчилар аъзо.

«ЛОКОМОТИВ» БОКСЧИЛАРИ ГОЛИБ

Бу ерда ёшлар спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича шуғулланиб, ўз маҳоратларини оширишга эришмоқдалар. Шуниси аҳамиятлики, малакали мураббийлар кўлисти бокс ҳам кенг ривож топмоқда. Боксга ихлосманд ёшлар орасида республика ва халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этган спортчилар ҳам анчагина.

Спорт устаси Ўқтам Раҳмонов ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, Зиедудло Ҳадиятуллаев ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпиони кумуш медали соҳибига, Наримон Габдуллоев эса ёшлар ўртасидаги республика чемпиони айланган.

Умуман, «Локомотив» тарбияланувчилари халқаро турнирларда фаол иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган. Жумладан, Боку шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда Россия, Туркия, Украина, Ҳиндистон ва мамлакатимиздан жами 150 нафар спортчи

иштирок этган бўлса, улар орасида клуб аъзоси Ойбек Отабеков 52 кг вазн тоифасида бронза медалини қўлга киритди.

Новий шаҳрида бокс бўйича 17-18 ёшли ўсмирлар ўртасида республика чемпиони ўтказилди. Унда «Локомотив» терма жамоаси аъзоларидан таркиб топган ўн нафар боксчимиз иштирок этди.

Шунингдек, 1994 — 1995 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида «Локомотив» клуби биринчилигини ҳам уюштиришди. Унда тармоқдаги барча ҳаваскор ёш боксчилар голиблик учун кураш олиб бордилар.

Мазкур мусобақада Фарғонада ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги республика чемпиони саралаш вазифасини ўтади.

Келажакда олимпиада ва жаҳон ареналарида спортнинг турли йўналишларида «Локомотив» терма жамоаси аъзолари сифатида муваффақият қозонишига ишончимиз қатъа.

Аҳмад АББОСОВ

Таэквандо

ОМАД КУЧЛИЛАРГА КУЛИБ БОҚДИ

Куни кеча Жанубий Кореянинг Кенджу шаҳрида таэквондонинг ВТФ йўналиши бўйича ўтказилаётган Корея очик чемпионатининг сўнгги кун мусобақалари бўлиб ўтди. Аввал хабар берганимиздек, еттинчи бор ташкил этилган мазкур халқаро турнирда дунёнинг 43 давлатидан ташриф буюрган 1578 нафар таэквондо усталари Пумсе ва Кёруги дастурлари бўйича голиблик учун баҳс юритишди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мусобақанинг биринчи кунидеёқ вакилларимиз 2 та олтин, 2 та кумуш ҳамда 11 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Этиборлиси, бугунги кунга қадр бўлиб ўтган мусобақа яқунларига кўра Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган 28 нафар спортчиларимиздан 22 нафари совриндорлар сафидан ўрин эгаллашди. Бу эса ўз навбатида Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин эгаллаган шарқ яққаурашнинг ушбу тури мамлакатимизда қай даражада тараққий этиб бораётганлигини далolat беради. Бўлиб ўтган мусобақалар давомида спортчимиз Умида Абдуллаева рақиблари устидан ишончли ғалабани қўлга киритиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Бундан ташқари вакилларимиз яна 2 та кумуш ва 3 та бронза медалларига сазовор бўлишган. Шу тариқа бугунги кунга қадр бўлиб ўтган мусобақалар яқунларига кўра Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 4 та олтин, 4 та кумуш ҳамда 14 та бронза, жами 22 та медалини қўлга киритдилар. Пумсе бўйича катталар ўртасида бўлиб ўтган шахсий ҳисобдаги мусобақаларда Александр Лининг чиқиши ҳакамлар томонидан энг юқори баҳога лойиқ деб топилди ва ҳамюртимизнинг ғалабаси шарафига давлатимиз байроғи сарбаланд кўтарилди. Яна бир олтин медалга Баҳром Абдуллаев ўсмир-ёшлар ўртасида Кёруги бўйича бўлиб ўтган баҳсларда сазовор бўлди. Вазни 45 кг гача бўлган спортчилар мусобақасида барча рақибларини мағлубиятга учратган юртдошимиз шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўсмир-ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда Александр Ким 53 кг доирасида финалгача бўлган беллашувларни мағлубиятсиз ўтказиб кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Мавлонжон Рустамов Пумсе бўйича ўтказилган баҳсларда 2-ўринни эгаллади. Бундан ташқари Зафарбек Сатторов, Баҳодир Аловхонов ва Бехзоджон Жўрабоев, Шерзод Бектемиров 48 кг, Валентин Хегай 49 кг, Абубакир Расулов 59 кг, Динорахон Мамадибрагимова 55 кг вазнда ўз тенгдошлари орасида учинчи деб топилган ҳолда бронза медалларига лойиқ қўрилдилар. Катталар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда, шунингдек, Владислав Ким 58 кг, Шохруҳбек Абдулазизов 68 кг ва Дилобар Сайдуллаева 57 кг қизгин кечган беллашувлар яқунларига кўра 3-ўринни банд этишди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани юксак самаралар бермоқда. Бунда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг спортга қизиқишини янада ошириш, болалар ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлаш, спорт иншоотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2002 йилнинг 24 октябрида ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси муҳим аҳамият касб этмоқда десак муболага бўлмайдиган, албатта, Раббонақул МУХТОРОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Одам қанча нодон бўлса, шунча худбин бўлади.

Оила биринчи навбатда мажбуриятдир.

Иши битгунча хушомад қилади, Иши битгач тухмат.

Мен болаларга ҳамма шароитни яратиб беришга қаршиман. Албатта, уларни қўллаш керак, лекин ўзи ҳаракат қилсин.

Ақли киши ҳар замонда бир ўзи билан қолиши керак.

Тўю маъракалар, ўтиришлар, тадбирлар ҳеч қачон тугамайди — ўзини билган одам учун улар умр эгови.

Кўпинча кўрққан нарсанинг акси бўлади.

Хавф қутилмаган жойдан келади.

Аслида гап-сўз кўпайишига ўзимиз сабабчи бўламиз.

Кимнинг кўзи куяди, Кимнинг кўнгли.

Хусн ҳам бир давлат.

Эгри ўйлагани тўғри сўйлаёлмайди.

Бошқани ёмонлаб, ҳеч ким яхши бўлган эмас.

Бирига — қурбон, Бирига — душман...

Одамларнинг баҳоси ўткинчи: кеча сени ёмон деганлар бугун яхши дейиши мумкин.

Ёмонга яхшилик қилиб ҳам балага қоласан.

Бир қарич бола ҳам ўз манфаати учун курашади.

Ёмон ўзининг бошига етгунча қанчадан-қанча яхшиларнинг боши кетади.

Яхшидан ҳикоят, Ёмондан шикоят.

Дунёнинг ишлари сира сен хоҳлагандай бўлмайди.

Билмаган ва ишонмаган киши иккиланади.

Одамни асаб адо қилади.

Секин юрган узокқа боради, Шошилган ора йўлда қолади.

Ўзни кўрсатиш осон эмас.

Йўлга солувчилардан йўлдан урувчилар кўп.

Бировни бекорга ёмон дейишмайди.

Меъёридан ошса меҳру муҳаббат ҳам хор бўлади.

Кошонада яшаб ҳам бахтсиз бўлиш мумкин.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Спорт янгиликлари

ҚИЗЛАРИМИЗ ВЬЕТНАМГА БОРИШАДИ

Малайзияда футбол бўйича 19 ёшгача бўлган қизлар ўртасида 2013 йилда уюштирилаётган Осиё чемпионатида саралаш баҳсларининг илк ўйинлари бўлиб ўтди.

Бир гуруҳда Бангладеш ва Ҳиндистон терма жамоалари билан беллашган ҳамюртларимиз 1 — 10 декабрь кунлари Вьетнамда ташкил этилаётган Осиё чемпионатида саралаш баҳсларининг иккинчи босқин мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Чунки ўзбекистонлик футболчи қизлар ўз гуруҳларида бангладешлик тенгқурларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди ва муҳим уч очкога эга бўлишди. Ҳиндистонлик қизлар билан ҳамюртларимиз ўртасида кечган

баҳсда гарчи юртдошларимиз 1:3 ҳисобида имкониятни бой берган бўлишсада, гуруҳда иккинчи ўринни эгаллашди.

Шунингдек, Осиё чемпионатида саралаш баҳсларининг иккинчи босқинига Ҳиндистон ва Ўзбекистон каби бошқа гуруҳлардан Мьянма Хитой Тайпей, Эрон, Иордания терма жамоалари йўл олишди. Таиланд ва Вьетнам терма жамоалари эса Осиё чемпионатида саралаш баҳсларининг иккинчи босқинида тўғридан-тўғри иштирок этадиган бўлишди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир гиёҳвандлик, кашандалик каби иллатларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ўтказилди.

Мамлакатимизда ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, интеллектуал, ижодий ва жисмоний салоҳиятини рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу жараёнда спортнинг экстремал турлари ҳам ёшлар ўртасида жадал омалашмоқда. Роликли конькида учиб, скейтборд, тоғ велосипеди каби спорт турлари инсонда тезкорлик, дадиллик, чаққонлик, тез ва тўғри қарор қабул қилиш каби фазилатларни шакллантиради.

— Тўққиз ёшимдан буён роликли конькида учаман, — дейди пойтахтимиздаги 71-умумий ўрта

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

Мухлисларга маълумки, БАА да ноябрда футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.

Ўн тўққиз ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида ташкил этилаётган китъа биринчилигида юртимиз шарафини Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳимоя қилади. Ёшларимиз голиблик учун КХДР, Иордания, Вьетнам ёшлар терма жамоалари билан бир гуруҳда кураш олиб боришади.

Гуруҳ баҳслари 4 ноябрдан бошланади. Дастлаб ёшларимиз вьетнамлик тенгқурлари

билан куч синашишса, 6 ноябрда иорданиялик ёш чарм тўп усталари билан беллашади. Гуруҳдаги 8 ноябрда уюштирилаётган сўнгги турда Аҳмаджон Мусаев шоғирдлари Шимолий кореялик футболчилар қаршилигини энгишларига тўғри келади.

Биз эса ўзбекистонлик мухлислар номидан ёш футболчиларимизга БАА яшил майдонларидан зафарли ғалабалар билан қайтишларини тилаб қоламиз.

Ноябрь ойи бошларида Қўқон шаҳри футбол бўйича фахрийлар ўртасида ёз мавсумида ташкиллаштирилган Ўзбекистон Кубоги ўйинларининг финал босқини мусобақаларига мезбонлик қилади.

Унда ўз минтақаларида муваффақият қозониб финал босқинига йўллангани қўлга киритган тўртта жамоа иштирок этади. Қувонарли жиҳати шундаки, мусобақанинг финал босқинида Самарқанд, Навоий

ФАХРИЙ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ҚЎҚОНГА БОРИШАДИ

вилоятлари жамоаларидан ташқари Қўқон ҳамда Тошкент шаҳар жамоалари ҳам

голиблик учун кураш олиб боришади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ЁШЛАР — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Экстрим — гиёҳвандликка қарши» мавзуда ёшлар фестивали бўлди.

таълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Искандар Жалилов. — Спорт билан шуғулланиш соғлом ўсишимга, мактаб дарсларини тўлиқ ва осон ўзлаштиришимга ёрдам беради.

Ўчинчи маротаба ташкил этилган ёшлар фестивалида экстремал спорт турлари билан мунтазам шуғулланаётган эллик нафарга яқин ўғил-қиз ро-

ликли коньки, скейтборд ва тоғ велосипедларида турли мураккаб ҳаракатларни бажариш, тўсиқлардан ўтиш бўйича ўз чиқишларини намойиш этди. Голиб ва совриндорлар тақдирларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА мухбири

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz



Буюртма Г- 1141

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзбекистон 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 4864 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ